Куч — адолатда

2014 йил
19 апрель,
шанба
№ 16 (477)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимизда юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир авлодни камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирлар рўёбга чиқарилаётир.



ИҚТИДОРЛИ, ИЛМЛИ ЁШ АВЛОД – ЮРТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва "Соғлом бола йили" Давлат дастури бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Айтиш жоизки, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан таълим-тарбия соҳаси, кадрлар тайёрлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Жисмонан соғлом, маънан етук — баркамол авлодни тарбиялаш, таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини юксалтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар натижасида фарзандларимиз илм-фан тараққиётининг энг сўнгги ютуқлари билан танишиш ва уни эгалаш имкониятига эга бўлмоқда.

"Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш давомида замон талабларига жавоб берадиган, барча жабҳаларда мамлакатимизни изчил ривожлантиришни таъминлаш шарт-шароитларига мос келадиган, бутун дунёда эътироф этилган ноёб узлуксиз таълимнинг миллий модели яратилди.

(Давоми иккинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокамасига ва шу йил 17 январда республика Ҳукуматининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устуворликларини амалга оширишни баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини, бунинг учун энг аввало инвестиция иқлими ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш, ишлаб чиқаришларни технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига мавжуд захиралар ва имкониятларни сафарбар қилишни таъминлайдиган иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизациялашнинг қабул қилинган стратегиясини амалга ошириш ишларининг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди. Шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини янада ошириш масалалари мажлис иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишида муаммолар ва хавф-хатар мавжудлигига қарамай, 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устуворликларини изчил ва мақсадга йўналтирилган тарзда амалга ошириш туфайли Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялашни янада чуқурлаштириш таъминланаётганлиги қайд этилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга ўсди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга, хизматлар кўрсатиш 1,8 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади.

Саноат тармоқларини ривожлантириш устуворликларини амалга ошириш, шунингдек, ички талабни мувозанатли рағбатлантириш ва ички бозорни рақобатбардошли маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлар билан янада тўлиқроқ тўлдириш чора-тадбирлари истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажми 9,1 фоизга кўпайишига кўмаклашди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида истеъмол маҳсулотлари улуши 2013 йилнинг биринчи чорагидаги 29,5 фоиз ўрнига 34,4 фоизгача кўпайди.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш – мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг муҳим омили

Аввало шуни айтиш керакки, Олий Мажлис Сенатининг жорий йил 10-11 апрелда бўлиб ўтган ўн тўртинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан мамлакатимиз ҳаётида долзарб аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар маъқулланди. Жумладан, Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси асосида киритилган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги қонун мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилишда навбатдаги муҳим қадам бўлиши шубҳасиздир. Мазкур қонун давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида баён этилган муҳим ғояларни ўзида мужассам этган. Қонун жорий йил 17 апрелда матбуотда расман эълон қилинди ва кучга кирди.

Конституциявий янгиланишларнинг мазмун-моҳияти — мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, биринчи навбатда, давлат бошқарувининг энг муҳим тамойилларидан бўлмиш давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципини конституциявий таъминлашдан иборатдир. Конституциямизнинг 11-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ушбу принципни амалга оширишнинг асосий усули ва шарти қонун ҳужжатларида, аввало, Конституцияда ҳокимиятнинг уч тармоғи ваколатларининг аниқ белгиланишига асосланган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими ҳисобланади. Деярли барча демократик давлатлар томонидан асос сифатида қабул қилинган ушбу тизим нафақат ҳокимият тармоқларининг мустақиллиги ва ўзаро ҳамкорлигини, балки улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва тенглик тамойилини Конституция ва қонунларда белгиланган доирада амалга оширишни таъминлайди.

Ўзбекистонда жаҳон ҳамжамияти томонидан тараққиётнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган ривожланиш йўлимиз асосида мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг муҳим таркибий қисми бўлмиш мамлакат парламенти ваколатлари ва назорат вазифаларининг ролини кучайтириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилди.

(Давоми учинчи бетда)

Маълумки, мамлакатимизда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб ҳал этилаётган низолар юзасидан ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқ шаклидаги процессуал ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади. Мазкур процессуал ҳуқуқий хужжатлар умумий тарзда суд қарорлари деб юритилади.

Huquqiy ma`rifat

Суд қарорлари

уларнинг нусхаси қандай тартибда берилади?

Айтиш жоизки, ҳаётда айрим фуқароларда суд қарорларидан нусха олишга эҳтиёж туғилиши мумкин. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судига 2010 йилда 436 та, 2011 йилда 477 та, 2012 йил 375 та, 2013 йилда 440 та суд қароридан нусха олишга доир ариза келиб тушди.

Хўш, суд қароридан нусхалар қандай тартибда берилади?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, фуқароларга фуқаролик ишлари бўйича судларнинг қарор нусхалари Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли моддалари ва "Фуқаролик ишлари бўйича судларда иш юритиш тўғрисида"ги Йўриқнома талабларига асосан берилади. Аниқроқ айтганда, ушбу ҳужжатларда биринчи босқич суди, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларининг қарори нусхаларини беришнинг алоҳида тартиби белгиланган. Яъни Фуқаролик процессуал кодексининг 223-моддасига кўра, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра, уларга биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори ёки иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш ёки аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида чиқарган ажримининг нусхаси берилади.

Маълумки, фуқаролик процессида даъвогар ва жавобгар тарафлар сифатида эътироф этилади. Ишда иштирок этувчи шахслар жумласига тарафлар билан бир қаторда, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар киради.

(Давоми учинчи бетда)

Бош Қомусимизда эътироф этилганидек, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Интеллектуал мулк муҳофазаси – долзарб вазифа

Мамлакатимизда маънавий меросимизни асраб-авайлаш, интеллектуал мулк ривожи ва муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда истиқлол йилларида аждодлардан мерос бебаҳо маданий ёдгорликлар қайта тикланиб, халқимизга етказилиши билан бир қаторда замондош ижодкорлар, ихтирочилар эркин фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Маънавий зарар

у қандай тартибда ундирилади?

Мамлакатимизда инсон омилига эътибор олий қадрият даражасига кўтарилган бўлиб, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай тарзда бузилишидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Амалдаги қонунларда ўзгалар томонидан бирон-бир тарзда ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни суд тартибида ундириб олиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилган.

Чунончи, Фуқаролик кодексининг 100-моддаси 8-қисмида фуқарога етказилган маънавий зарарни қоплаш тартиби баён этилган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 1021-1022-моддаларида ҳам моддий зарарни ундириш тартибига оид меъёрлар белгиланган. Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорида ҳам судларга фуқароларга етказилган маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ишларни кўришга доир раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Айтиш керакки, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашда ҳар бир шахс ўзига қай тарзда зарар етказилганини исботловчи ҳужжатларни судга тўлиқ тақдим этиши шарт.

Бунда жабрланувчи қандай ҳолатларда ва қандай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида маънавий зарар етказилганини исботлаб бериши ҳам талаб этилади.

(Давоми учинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол ўсиб келаётган авлодни вояга етказиш бўйича "Соғлом бола йили" Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни фаол амалга ошириш бошланди. Ушбу тадбирларни молиялаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобига қарийб 1 триллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Мажлиснинг кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида "бизнес билан шуғуллан" тамойили бўйича ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга йўналтирилган амалий чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишга, ушбу мақсадларда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни жадаллаштиришга, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш кўламларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар фақат жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 7,3 мингта янги субъектларини ташкил этишга кўмаклашганлиги қайд этилди. Ҳисоботларни алоқанинг электрон йўллари бўйича топширишнинг юзма-юз алоқасиз шаклларини фаол жорий этиш натижасида бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботларининг 95 фоизини, статистика ҳисоботларининг 88,6 фоизини электрон шаклда топширмоқда. Божхона юк декларацияларининг 95 фоизга яқини электрон усулда расмийлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган Фармонида назарда тутилган қўшимча дастурий чора-тадбирларни амалда бажариш, шу жумладан, янги имтиёзлар ва преференцияларнинг кенг доираси, ҳар хил лицензия ва рухсат берувчи тартиб-таомилларнинг муддатларини тубдан қисқартириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнесни юритиш, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш борасида навбатдаги муҳим босқич бўлиши алоҳида таъкидланди.

Шу муносабат билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарлари олдига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-қоидаларни янада такомиллаштириш бўйича мамлакат Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сон Қарори талаблари сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир аниқ вазифалар қўйилди. Лицензия ва рухсат бериш тартиб-тамойилларининг электрон шаклларига ўтишни жадаллаштириш, шунингдек, уларнинг сонини ва ҳужжатларни бериш муддатларини қисқартириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, шунингдек, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича "йўл хариталари"ни амалга ошириш юзасидан протокол топшириқлари бажарилишининг ҳолати пухта таҳлил қилинди. Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 12,4 фоизга ўсди. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар таркибидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 23,3 фоизгача кўпайди. 510 та янги объект фойдаланишга топширилди, 37 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. Инвестиция фаоллигининг ўсиши қурилиш-пудрат ишлари ҳажмлари 15,5 фоизга кўпайишига кўмаклашди.

Хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш, шунингдек, объектларни белгиланган муддатларда ишга тушириш бўйича инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлайдиган комплекс қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига фойдаланилмаётган ер участкалари ва ишлаб чиқариш майдонларида янги замонавий корхоналар ташкил этиш ва тадбиркорлик субъектларига бериш учун уларни пухта хатловдан ўтказишни таъминлаш топширилди. Шу билан бирга, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган "йўл хариталари"ни амалга ошириш устидан таъсирчан назоратни таъминлаш топширилди.

Мажлисда маҳсулот экспорти ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, тузилмасини ва сотиш бозорларини диверсификациялаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга қаттиқ эътибор берилди. Жаҳон бозорларида конъюнктура барқарор эмаслигига қарамай, маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва ташқи сотиш бозорларини диверсификациялаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида экспорт ҳажмлари 8,4 фоизга ўсишини таъминлаганлиги алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, мажлис қатнашчилари олдига маҳсулотлар экспорти турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, ташқи бозорларда уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш учун комплекс амалий чора-тадбирлар кўриш вазифаси қўйилди.

Мажлисда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини жадал ривожлантириш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни сифатли ва ўз вақтида қуришни таъминлаш дастурлари бажарилиши ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 63,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Замонавий технологиялар бўйича кенг полосали 150 километр тола-оптик тармоқлар ётқизилди.

Мажлис қатнашчиларининг эътибори жорий йилда қишлоқ турар жой массивларида намунавий лойиҳалар бўйича 11 мингта янги шинам уйларни қуриш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, ушбу массивларда ижтимоий ва бозор инфратузилмасининг замонавий объектларини қуриш ишларини жадаллаштириш зарурлигига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига республика минтақаларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида қурилиш ишларининг ўсиб бораётган ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда 2014 йилда замонавий қурилиш техникаси билан жиҳозланган 20 та кучли ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларини ташкил этиш учун зарур чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, шунингдек, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларнинг бажарилиши ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган 2014 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури доирасида жорий йилнинг бошидан бошлаб 227,9 мингта янги иш ўринлари, улардан 137 мингтаси ёки 60,3 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилганлиги қайд этилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш мобайнида тасдиқланган мақсадли параметрларга мувофиқ янги иш ўринларини ташкил этиш ва ҳисобга олиш ишларини ташкил этишда камчиликларга йўл қўйган бир қанча туманлар ва шаҳарлар раҳбарларининг фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Барча даражалардаги ҳокимликлар, хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари олдига янги иш ўринлари ташкил этиш параметрларига эришишни сўзсиз таъминлаш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлиси кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА

2014-yil — Sog`lom bola yili

Иқтидорли, илмли ёш авлод — юртимиз истиқболи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур мустаҳкам моддий-техник база шакллантирилди, малакали педагог кадрлар тайёрланди, янги давлат таълим стандартлари ва ўқув-услубий адабиётлар ишлаб чиқилди.

Таълимнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида олиб борилган улкан ишлар туфайли юртимизнинг истеъдодли ўқувчи-ёшлари халқаро миқёсда ўтказилаётган нуфузли фан олимпиадалари, кўриктанловлар, фестивалларда юқори натижаларни қўлга киритаётгани давлатимиз раҳбарининг "Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган эзгу ғояси ҳаётда ўз исботини топаётганига ёрқин далилдир.

Айтиш керакки, иқтидорли фарзандларимиз халқаро фан олимпиадаларида 20 олтин, 49 кумуш, 88 бронза — жами 157 медални қўлга киритди. 2008 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этган 15 нафар ёшларимиз юқори натижа кўрсатиб, 1 та олтин, 1 та кумуш ва 11 та бронза — жами 13 та медални қўлга киритгани барчамизни ғурурлантирди. 2013 йилда юртимизда ўтган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида ёшларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори мазкур тизим ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Амалга оширилган ислоҳотлар самарасида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси тубдан янгиланди. Мазкур муассасаларга ўқувчи-ёшларни қамраб олиш кўрсаткичлари ошди, юртимизда бугунги кунда 52 минг нафарга яқин ёшлар мусиқа ва санъат сирларини ўрганмоқда. Натижа ҳам шунга яраша салмоқли. Мусиқа ва санъат таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларимиз дунёнинг кўплаб давлатларидаги нуфузли танловларда иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритаётгани бунинг амалдаги тасдиғидир.

Ҳозирги кунда халқ таълими тизимида 298 болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 3 ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи фаолият кўрсатмоқда. 2009-2013 йилларда 230 янги болалар мусиқа ва санъат таълим муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Давлат дастури асосида мусиқа ва санъат таълимига берилаётган юксак эътибор, яратилаётган замонавий шарт-шароитлар натижасида ўқувчиларнинг халқаро танловларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳамда ушбу танловларнинг географияси кенгайди. 2008-2013 йилларда 350 нафар истеъдодли ўғил-қиз Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Руминия, Голландия, Польша, Россия, Озарбайжон каби давлатларда ўтказилган турли нуфузли халқаро танловларда иштирок этиб, юксак натижаларга эришди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилган бўлиб, бугунги кунга қадар марказ томонидан 120 дан ортиқ электрон дарслик, виртуал лаборатория ишлари ва бошқа турли мультимедиали ресурслар яратилиб, ўқув-тарбия жараёнида муваффақиятли қўлланилаётир.

Таъкидлаш жоизки, 1991 йилда мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланиши 55,4 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2014 йилга келиб 99,4 фоизга етди. 2004-2014 йиллар давомида жами 195 миллион 966 мингдан зиёд нусхада дарслик чоп этилиб, ижара тизими орқали ўқувчиларга етказиб берилди. Шундан муайян қисм дарсликлар давлат ҳисобидан кам таъминланган оила фарзандлари учун бепул ажратилмоқда. Биринчи синф ўқувчиларига ҳар йили 12 хил ўқув қуроллари билан бирга барча дарсликлар Президент совғаси сифатида тақдим этиляпти.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз тараққиётига дахлдор долзарб масалаларни ўзида жамлаган, дунёда ноёб саналган таълимнинг миллий моделини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида қабул қилинган бир қатор давлат дастурлари ижроси натижасида эришилган юқоридаги каби ютуқлар бугун нафақат халқимиз томонидан, балки халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Muloqot

Газетхон савол беради...



— Айтинг-чи, қонунга биноан майда безорилик деганда нималар назарда тутилади?

З.НИЁЗОВ,
Янгийўл шаҳри

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасида қайд этилишича, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик майда безорилик ҳисобланади.

— Фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунчилигимизда қандай жавобгарлик белгиланган?

Л. ЮСУПОВА,
Навоий шаҳри

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 230-моддасида қайд этилишича, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига атайин ёлғон маълумотлар бериш ёки тегишли органларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан икки бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Саволларга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Transmilliy jinoyatchilik

Шахснинг шаъни

Инсон ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш, фуқароларга зарур шарт-шароит яратиш мамлакатимизда давлат сиёсатининг асосини ташкил этади. Ушбу мақсадга қаратилган, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш тизими юртимизда тўлиқ қарор топган.

Инсон ҳуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишларнинг олдини олиш эса доимий эътиборда. Жумладан, одам савдосига қарши курашишга оид мустаҳкам қонунчилик асослари яратилган. Зеро, бу жиноят жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири саналади.

Айтиш керакки, ҳаётда мўмай даромад орттириш каби ғараз ниятда бундай тубан қилмишга қўл урадиган баъзи кимсалар учраб туради. Шу ўринда фикримизни мисоллар билан давом эттирадиган бўлсак, Термиз шаҳрида яшовчи эр-хотин Умидилло Шамсиддинов ва Лобар Эшпўлатова ҳам мўмай даромад орттириш илинжида шундай қабиҳ жиноятни содир этишди. Улар танишлари Сунбулой Маллаеванинг олти ойлик қизалоғи Суғдиёнани сотиб юборишдек тубан ишга қўл уришди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, улар билан бирга ижара уйда яшаб келаётган С.Маллаева шаҳардаги ошхоналардан бирида хизмат қиларди. Кунлардан бир кун Сунбулой Лобарнинг ишламай уйда ўтирганини назарда тутиб, ундан чақалоғига энагалик қилишни илтимос қилади ва бунинг эвазига ҳар ойда маълум миқдорда маблағ тўлаб туришини айтади. Лобар ҳам унинг бу таклифига дарров рози бўлади.

Орадан кўп ўтмай Сунбулой хорижга бориб ишлаб келиш ҳаракатига тушиб қолади. Бироқ у қизчасини кимга ишониб, қолдириб кетишни билмай боши қотарди. У бу ҳақда Лобарга гап очганида, буни қарангки, аллақачон "қадрдон"ига айланган дугонаси унинг жонига ора кирди:

— Вой, дугонажон-ей, шуни ҳам ўйлаб ўтирибсизми?! — дейди Лобар ўзини ўта меҳрибон кўрсатиб. — Қизингизни менга бемалол қолдириб кетаверинг. Шундоғам у менга ўрганиб қолди. Бунинг устига сиз билан анча вақтдан буён бир ҳовлида яшаб, опа-сингилдек бўлиб кетдик. Фақат бола учун пул жўнатиб турсангиз бўлди.

Шундан сўнг Сунбулой Лобарга болага қарагани учун ҳар ойда тегишли маблағ жўнатиб туришни ваъда қилиб, чет элдан қайтгунича қизчасининг ҳаёти ва соғлиғига жавоб беришини тайинлаб, ундан тилхат ҳам ёздириб олади.

Сунбулой хорижга жўнаб кетгач, ваъдага биноан дастлабки ойларда Лобарга маблағ жўнатиб туради.

Yangi qonun mohiyati

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш – мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бунда икки палатали парламент тизимига ўтилгани ва Президентнинг айрим ваколатлари парламентнинг юқори палатаси — Сенатга ўтказилгани муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда Сенат муқаддам Президентга тегишли бўлган амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш каби бир қатор ваколатларни самарали амалга ошириб келмоқда.

Ҳокимиятнинг ижро этувчи тармоғи — Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва масъулияти изчиллик билан мустаҳкамланиб бормоқда. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норма чиқарилди. Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш масъулияти бу борада барча зарур ваколатлар билан таъминланган Бош вазир зиммасига юклатилган.

Суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, судни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда суд ҳокимияти ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Амалдаги қонунларимизга мувофиқ, Конституциявий суд ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлаш ҳуқуқига эга. Умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари жиноят, фуқаролик, маъмурий ишларни, шу жумладан, фуқароларнинг мурожаатларини ва давлат бошқаруви органларининг қарорларини кўриб чиқиш орқали ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари фаолиятида қонунийликни таъминламоқда.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини қарор топтириш ва ривожлантириш бўйича ислоҳотларнинг қонуний ва мантиқий давоми бўлди. Ушбу муҳим, стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатга мувофиқ, Асосий Қонунимизга ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тузатишлар киритилди. Жумладан, Бош вазир номзодини парламент қуйи палатасига сайловда энг кўп ўринларни олган сиёсий партия томонидан кўрсатилишини назарда тутадиган янги тартиб жорий этилди. Миллий қонунчиликка Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш институти киритилди. Айни пайтда ҳокимиятнинг ижро этувчи органларини шакллантиришда Бош вазирнинг роли ва мустақиллиги сезиларли даражада кучайтирилди. Хусусан, Конституциямизнинг 93-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини Бош вазирнинг тақдимига биноан тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади.

Ҳозирги пайтда миллий давлатчилигимизнинг ривожланиш даражаси, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши, мамлакатимиз аҳолисининг тобора юксалиб бораётган сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражаси, ижтимоий-сиёсий фаоллиги давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Бунда давлат ҳокимияти тизимида ваколлик органларининг ролини янада ошириш, "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш" тамойилининг босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги қонун айни шу мақсадларни амалга оширишга қаратилган.

Қонун ҳокимиятнинг ижро этувчи тармоғи фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини ташкил қилиш бўйича Конституциямизнинг 32, 78-моддаларига тузатишлар киритишни назарда тутади. Бу Конституциямизнинг иккинчи бобида белгиланган халқ ҳокимиятчилиги принципини амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканини белгилаб берадиган Конституциямизнинг 32-моддасида бундай иштирок этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилишини кўзда тутадиган меъёрлар билан тўлдирилди. Жамоатчилик назорати ҳуқуқий асосларининг конституциявий мустаҳкамланиши уни давлат ва жамият қурилишининг энг муҳим институтларидан бирига айланишига, жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга, аҳоли турли қатламлари манфаатларининг янада тўлиқ ҳимоя қилинишига, фуқаролар, фуқаролик институтларини жамият ва давлат ишларини бошқаришга янада кенгроқ жалб этишга кўмаклашади.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат ваколатларини кенгайтириш ва кучайтириш мақсадида Конституциямизнинг 78-моддаси парламент палаталарининг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини конституциявий мустаҳкамлашга қаратилган қоидалар билан тўлдирилди. Бу, ўз навбатида, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг конституциявий асосларини мустаҳкамлашда, парламент назорати институти кўламининг янада кенгайиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ушбу янги қонун Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини янада аниқ белгилашни, унинг мустақиллиги ва айни пайтда масъулиятини ошириш бўйича Конституциямизга тузатишлар киритишни назарда тутади. Конституциямизнинг 98-моддаси таҳрири ривожлантирилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритиш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгар экани аниқ белгилаб қўйилди.

Ривожланган демократик давлатларнинг умумэътироф этилган тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида қонунда Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши ҳақидаги қоидалар белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиш вазифаси юкланди.

Давлат бошқаруви тизимида барқарорлик, изчилликни таъминлаш, ижро этувчи ҳокимиятнинг мустақил фаолият кўрсатиш кафолатларини кучайтириш мақсадида амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши бўйича Конституциямизнинг 98-моддасида белгиланган нормалар мамлакат Президентининг қарорига кўра, ҳукумат айни шу даврда, Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туриши ҳақидаги қоидалар билан тўлдирилди.

Айни шу мақсадда Конституциямизнинг 93-моддаси 10-хатбошисидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимидан озод қилинишини белгилайдиган норма Президентнинг ушбу ваколати фақат Бош вазир истеъфога чиққан, Олий Мажлис палаталари томонидан унга нисбатан билдирилган ишончсизлик вотуми қабул қилинган тақдирда ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда амалга оширилиши мумкинлиги ҳақидаги қоидалар билан тўлдирилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунга мувофиқ, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мустақиллигининг кафолатлари ва айни пайтда, вакиллик органлари олдидаги масъулияти кучайтирилди. Жумладан, Конституциямизнинг 103-моддаси вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини белгилайдиган қоидалар билан тўлдирилди. Ушбу ҳисоботлар бўйича халқ депутатлари кенгашларининг тегишли қарорлар қабул қилиши белгиланди.

Шунингдек, ушбу янги қонун билан Конституциямизнинг 117-моддасига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, Олий Мажлис томонидан Президент сайловини, Олий Мажлисга сайловни, шунингдек, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш учун Марказий сайлов комиссияси тузилиши белгилаб қўйилди. Айни пайтда, Марказий Сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлиши аниқ белгиланди. Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга ошириши ва ўз фаолиятида фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларига амал қилиши мустаҳкамланди. Шунингдек, ушбу моддада Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва унинг Раиси сайланиш тартиби белгиланди.

Умуман олганда, мамлакатимиз Конституциясига киритилган тузатишлар катта амалий ва долзарб аҳамият касб этади. Улар давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, ҳозирги пайтда Конституцияга киритилган тузатишларни жорий қонунчиликда, аввало, тайёрланаётган ва парламентимиз томонидан кўриб чиқилаётган "Парламент назорати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳаларида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларида рўёбга чиқариш ва ривожлантириш бўйича тизимли, комплекс, профессионал ва юқори малакали ишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси давлат ҳокимияти органлари олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ва пировард натижада ҳар бир фуқаронинг, бутун жамиятнинг манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

Huquqiy ma`rifat

Суд қарорлари

уларнинг нусхаси қандай тартибда берилади?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Суд мажлисига келмаган тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори ёки иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш ёки аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримининг нусхаси ҳал қилув қарори ёхуд ажрим чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборилади.

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилганда эса, Фуқаролик процессуал кодексининг 228-моддасига асосан, суд мажлисига келмаган тарафга сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг нусхаси шу қарор чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборилади.

"Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларида иш юритиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманинг 11.4-бандига кўра, суд томонидан бериладиган ҳал қилув қарори ва ажрим нусхалари, шу жумладан, юқори судларнинг ажрими, қарор нусхалари муҳр билан тасдиқланади.

Апелляция, кассация ва назорат инстанциясида фуқаролик ишлари кўрилганда ажрим ва қарорларнинг нусхаси тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга, уларнинг илтимосига кўра, берилади.

Апелляция, кассация инстанциясининг суд мажлисига келмаган ва ишни назорат инстанциясида кўришда қатнашмаган тарафлар ва бошқа шахсларга ажрим ва қарорлар нусхаси ўн кундан кечиктирмай юборилади.

"Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судларида иш юритиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманинг 36.5-банди талабига кўра, ишлар бўйича берилаётган ҳал қилув қарорлари ва ажримларнинг, шунингдек, юқори суднинг ажримлари ва қарорларининг нусхалари имзо билан тасдиқланган ва муҳрланган бўлиши лозим, агар суд қарорлари юқори турувчи суд томонидан ўзгартирилган бўлса, берилиши лозим бўлган ҳужжат нусхасига шу ҳақда белги қўйилади.

Дилноза ИСАЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг ходими

Fuqarolik qonunchiligi

Маънавий зарар

у қандай тартибда ундирилади?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фуқаролик процессуал кодексининг 57-моддасига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаб ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Исботлаш тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтириши, гувоҳларнинг кўрсатмаси, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертнинг хулосаси орқали амалга оширилади.

Маънавий зарар фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий бойликлари бузилиши натижасида етказилади. Демак, маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларга даъво муддати жорий этилмайди. Олий суд Пленумининг юқорида тилга олинган қарори 15-бандида белгиланганидек, маънавий зарарни қоплаш номоддий бойликларни ва номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланади. Шунга кўра, Фуқаролик кодексига мувофиқ, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.

Бинобарин, Олий суд Пленуми қарорининг 4-бандида маънавий зарар жабр кўрувчига етказилган зарарни қоплашни назарда тутган қонун кучга киргунга қадар етказилган бўлса, шунингдек, даъвогар бундай қонун кучга кирганидан кейин ҳам маънавий ва жисмоний азоб чекаётган бўлса, даъвогарнинг бу ҳақидаги талаби қаноатлантирилмайди. Негаки, зарар етказилган вақтда жавобгарликнинг бу тури белгиланмаган ва умумий қоидага кўра, зарар содир бўлган вақтда амалда бўлган қонунда белгиланган ҳуқуққа хилоф ҳаракатга нисбатан жавобгарликни кучайтирадиган қонун ортга қайтиш кучига эга эмаслиги алоҳида қайд этилган.

Фуқаролик кодексининг маънавий зарарни қоплашни назарда тутадиган меъёрларига асосан, фуқаро ўзига маънавий зарар етказилган деб ҳисоблайдиган бўлса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ёхуд тутилмаганидан қатъи назар, уни қоплашни суд орқали талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, даъвогар Нигора Адизова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Б.Носировдан ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраган. Аниқланишича, даъвогар Н.Адизова жавобгар К.Насимов билан қонуний никоҳдан ўтиб, оила қурган. Жавобгар Б.Носиров даъвогар Н.Адизова ва унинг турмуш ўртоғи К.Насимовнинг ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан уларнинг 10.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулини ўзлаштириб олган. Гарчанд жавобгар жиноий жавобгарликка тортилган бўлса-да, жабрланувчига етказган моддий зарарни қопламаган. Натижада даъвогар руҳий изтироб чекиб, саломатлигини йўқотган. Суд адолат ва одиллик тамойилига риоя этган ҳолда жавобгар Б.Носировдан даъвогар Н.Адизованинг фойдасига 10.000.000 сўм миқдорида маънавий зарар ундириш лозим, деган тўхтамга келди.

Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларига кўра, маънавий зарар пул билан қопланиши, унинг миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий зарарларнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланиши, зарарни қоплаш миқдорини белгилашда адолат талаблари эътиборга олиниши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, етказилган маънавий зарарнинг суд тартибида ундирилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалда самарали ҳимоя қилиш ва инсонпарварлик тамойилига тўлиқ риоя этиш имконини бермоқда.

Лутфулло ТОШМУРОДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судининг раиси

ва қадр-қиммати

унга дахл қилиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

Бироқ орадан кўп вақт ўтмай, у қўнғироқ қилиб, ишлари юришмай тургани боис ҳозирча пул жўнатолмаслигини айтади. Бу хабарни эшитгач, эр-хотиннинг бирдан фикри бузилади, аниқроқ айтганда, уларнинг кўнглида ғараз ният пайдо бўлади.

— Қачонгача бировнинг боласига қарайман, деб уйда ишламасдан ўтирасан, — дея зарда қилади Умидилло. — Унинг онаси чет элдан қачон қайтиб келади? Яхшиси, бу болани бирорта оилага сотиб юбориш керак...

Буни қарангки, бу "таклиф" Лобарга ҳам маъқул тушади.

Шундай кунларнинг бирида улар Отажон исмли танишлари билан учрашиб қолишади. Гап орасида Отажон ўзига таниш бўлган бир оила кўп йиллардан буён тирноққа зор бўлиб яшаб келаётганини, агар рози бўлишса, қизчани шу оилага сотиш мумкинлигини айтиб қолади.

Шундан сўнг орадан бир неча кун ўтгач, Отажон Лобарнинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, "масала" ҳал бўлганини, фақат "савдо"ни ўзлари келишиб олишини айтаркан, гап орасида учрашув манзилини ҳам қистириб ўтади.

Эр-хотин шаҳар чеккасидаги чойхонага етиб келишганида, ҳақиқатан ҳам, Отажон билан бирга қандайдир нотаниш эр-хотин уларни кутиб турган экан.

Шундан сўнг улар ўртасида савдо бошланади. Эр-хотин қизалоқни ўзларининг фарзандлари қилиб кўрсатишади ва унинг эвазига 6 миллион 500 минг сўм сўрашади.

Бироқ мулкий наф кўриш илинжида ҳар қандай тубанликдан тап тортмайдиган бу гумроҳлар бир нарсани, яъни уларнинг барча кирдикорлари аллақачон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан назорат остига олинганини хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Нафс қутқусига учган бу кимсалар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг тезкор саъй-ҳаракати туфайли қабиҳ ниятига эриша олмади.

Суд томонидан одам савдосидек разил қилмишга қўл урган эр-хотин Умидилло Шамсиддинов ҳамда Лобар Эшмуродовага нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Юқорида баён этилган воқеа ҳақида фикр юритадиган бўлсак, албатта, эр-хотин У.Шамсиддинов ва Л.Эшмуродованинг қилмишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу кимсалар нафс гирдобида инсон деган номга доғ тушираётган қилмишга қўл уришди. Аммо Сунбулойнинг норасида қизини бегона кимсаларга ишониб топшириб, хорижга кетганини оқлаб бўладими?! Йўқ, албатта.

Хулоса ўрнида айтганда, фарзанд ҳар бир инсон учун эртанги кун умиди, юртнинг эртаси. Шу боис уларга ғамхўрлик қилиш, соғлом ва баркамол вояга етиши учун қайғуриш ҳар бир инсоннинг, айниқса, ота-онанинг бурчи эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Абулқосим РЎЗИҚУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Интеллектуал мулк муҳофазаси – долзарб вазифа

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ушбу йўналишда халқаро интеграцияни ҳам изчил йўлга қўйгани муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётир. Мамлакатимизнинг 1991 йилда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлгани бунинг далилидир. Ўзбекистонда 2005 йил 19 апрелдан Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси қоидалари амал қилаётгани бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

— Берн конвенцияси фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳамда уларнинг муаллифлари ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро шартномалардандир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи Зайниддин Ғиёсов. — Конвенцияда бадиий, адабий ва публицистик асарлар, санъат намуналари, фотография ва ҳатто интервьюларнинг муҳофаза қилиниши алоҳида қоидалар билан белгилаб қўйилган. Уларни яратиш ва фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатлар мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжат қоидалари билан тартибга солинади.

Конвенция универсал ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, аъзо давлатларда тўғридан-тўғри ёки унинг қоидаларини соҳага оид миллий қонунчиликда акс эттириш орқали қўлланилади. Конвенциянинг аъзоси бўлган ҳар бир давлат мажбуриятлар, ҳуқуқий имконият ва имтиёзлар бўйича тенг ҳисобланади.

Мамлакатимизда Берн конвенцияси қоидаларига амал қилиш, муаллифлар ва турдош ҳуқуқ эгаларига моддий ва маънавий зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат Республика ишчи комиссияси фаолият юритмоқда.

Ўзбекистоннинг Берн конвенциясига қўшилиши муаллифлар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгаларига катта имкониятлар яратди. Айни пайтда муаллифларимиз асарларидан Берн конвенциясига аъзо 170 га яқин давлат ҳудудида фақат рухсат билан фойдаланилмоқда. Бунинг эвазига уларга тегишли миқдорда муаллифлик ҳақи ундириб берилмоқда. Бу юксак савиядаги миллий асарлар яратиш кўлами кенгайиши ва уларнинг дунё бўйлаб тарқалишига, жаҳон маданиятида ўрни ва ҳиссаси янада ортишига йўл очаётир.

2006 йил янги таҳрирда қабул қилинган "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айрим турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилингани муаллифларнинг меҳнатини рағбатлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Чунки шу асосда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати юритилиши йўлга қўйилди.

Мазкур агентлик ваколатларининг кенгайтирилгани, жумладан, унга ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ҳамда бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, интеллектуал мулк объектлари эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклангани соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга замин яратди.

Интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш бўйича ўтган йилда агентликка олти мингдан ортиқ талабнома қабул қилинган. Улар бўйича ўтказилган давлат экспертизаси натижасида тўрт ярим мингдан зиёд интеллектуал мулк объекти давлат рўйхатидан ўтказилган.

Айни пайтда тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш кўлами кенгаймоқда. Чунки бу интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олишни автоматлаштириш ва экспертиза ўтказиш жараёнларини соддалаштиришга ёрдам беради. Бу борада агентлик ҳузурида фаолият юритаётган "Intellekt Expert" давлат унитар корхонаси изчил ишларни амалга ошираётир. 2013 йилда агентлик веб-сайти орқали базавий интерфаол хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилгани шуни тасдиқлайди.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилиш, мамлакатимиз ҳудудига қалбаки товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва айланишига чек қўйиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Зеро, интеллектуал мулк ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг муҳим қисмидир. Шу боис интеллектуал мулк ҳимоясини ривожлантириш, контрафакцияга қарши курашни кучайтириш долзарб вазифалардандир.

Қонунчиликка мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар асардан фақат ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномага биноан ёки тегишли рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда фойдаланиши мумкин. Бундай маҳсулот хориждан олиб келинса, буни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар бўлиши лозим.

— Шунга қарамай, жойларда асарларни мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб кириш, нусха кўчириб сотиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди, — дейди Интеллектуал мулк агентлиги матбуот котиби Гўзал Вафоева. — Айрим ҳолларда эълон қилинган асарлардан муаллиф рухсатисиз фойдаланиш, ҳатто уларни "қайта ишлаш" ёки материалларнинг муаллифини кўрсатмасдан эълон қилиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Булар қонунчиликда ўғриликка тенглаштирилган жиноят ҳисобланади. Негаки, қалбакилаштириладиган маҳсулот ҳеч қаерда рўйхатдан ўтмайди. Оқибатда белгиланган солиқлар ҳам, муаллифга берилиши лозим бўлган ҳақ ҳам тўланмайди. Бундай ҳолатларда, аввало, муаллифлар поймол қилинаётган ҳуқуқларини тиклаш учун тегишли идораларга мурожаат қилиши лозим. Зеро, қонунчилигимизда муаллифлик ҳуқуқини бузаётганлар учун тегишли жазолар белгиланган.

Қонун талаблари бузилиши ҳолатларига қарши курашиш борасида агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бу борада ўтказилган тадбирлар натижасида 2013 йилда етти юздан ортиқ қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Интернет тармоғида жойлашган 134 сайт орқали муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг аудиовизуал асарларидан ноқонуний равишда фойдаланиш ҳолатлари мавжудлиги маълум бўлди. Аниқланган ҳолатлар бўйича ваколатли давлат органларига эксперт хулосалари берилди. Шунга асосан умумий қиймати икки миллиард сўмликка яқин контрафакт маҳсулотлар йўқ қилинди. Бундай чоралар натижасида миллий қадриятларимизга зид бўлган, ёшларимиз маънавий оламига соя солишга қаратилган аудиовизуал асарлар пештахталардан олиб ташланаётгани эътиборга молик.

Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг маънавий ва моддий манфаатларини таъминлаш, интеллектуал мулкни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Maslahat

Қарз шартномаси

у қандай тартибда расмийлаштирилади?

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган қулайликлар туфайли соҳа вакилларининг ишлаб чиқариш салоҳияти тобора ортиб бормоқда. Бу нафақат ички бозорни маҳсулот билан тўлдириш, балки экспорт ҳажми ошишига ҳам кенг йўл очмоқда.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 732-моддасига асосан, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса, қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси ёзма равишда расмийлаштирилади.

Қарз олувчи қарз берувчига қарзга олинган пулларни шартномада кўрсатилган муддат ва шартлар асосида қайтариб беришга мажбурдир.

Қарзни қайтариш муддати шартномада кўрсатилмаган тақдирда, қарзга олинган пуллар қарз берувчининг талаб қилинган кунидан бошлаб ўттиз кун ичида қарз олувчи томонидан қайтариб берилиши шарт.

Фоизсиз қарз суммаси қарз олувчи томонидан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин. Фоиз эвазига берилган қарз суммаси, агар қарз шартномасида кўзда тутилган бўлса ёки қарз берувчининг розилиги билан, муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

Фоизларни тўлаш муддати ва тартиби қарз шартномаси билан белгиланади.

Шу боис тадбиркорларга маҳсулотни экспорт қилишга кўмаклашиш, уларнинг хорижий шериклари билан самарали ҳамкорлик қилишини таъминлаш мақсадида божхона қонунчилигида кўплаб қулайлик ва имтиёзлар кўзда тутилган.

Маълумки, божхона иши мамлакатимизнинг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, бож тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш тартиби ва шартларидан ҳамда божхона сиёсатини амалга оширишнинг бошқа воситаларидан иборатдир.

Албатта, божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини қонунга хилоф равишда олиб ўтиш тегишли жавобгарликка сабаб бўлади. Аниқроқ айтганда, амалдаги Жиноят кодексининг 182-моддасида божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар

Jinoyat va jazo

ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жарима жазоси, ахлоқ тузатиш иши ёхуд озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 246-моддасида божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қуролярог, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказганлик учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар тайинланиши белгиланган.

Айтиш керакки, қонунларимизда кўзда тутилган бу меъёрлар, умуман айтганда, юртимизда божхона тизимининг самарали фаолият юритиши иқтисодий барқарорлик, тинчлик-осойишталикни таъминлашга хизмат қилади.

Бироқ ҳаётда қонун талабига амал қилмайдиган, мўмай даромад орттириш илинжида ноқонуний қилмишларга қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туради. Масалан, З.Оролов, М.Валиев, Н.Худоёров, О.Орипов, Г.Исаевлар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида, қонунга хилоф равишда, божхона назоратини четлаб ўтиб, мамлакатимиз ҳудудига товар-моддий қимматликларни олиб кириб, жиноят содир этганлар. Бунда уларга Қирғизистон Республикаси, Жалолобод вилояти, Ахси туманида яшовчи, дастлабки тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган "Самар", "Санжар" исмли шахслар кўмаклашган.

Улар А.Муҳиддиновга қарашли "Форд" русумли, М.Мирзараҳимов, В.Эгамбердиев ва И.Мўйдиновларга тегишли "М-2140" русумли автомашиналардан жиноят содир этишда, жиноий мақсадни амалга оширишда фойдаланишиб, 2013 йил 19 июлдан 2013 йил 16 августга қадар чет элда ишлаб чиқарилган, божхона расмийлатирувидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган 70 милион 791 минг 650 сўмлик товар-моддий қимматликларни божхона назоратини четлаб, юртимизга олиб ўтишади.

Албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан бу ҳамтовоқларнинг қилмишига тез орада чек қўйилди. Бу кимсалар қилмиши учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келди.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди ушбу жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиқиб, жавобгарларнинг қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Хулоса қилиб айтганда, қонуний асосда фаолият юритаётган тадбиркорлар учун юртимизда барча имкониятлар мавжуд. Улардан ўз ўрнида, самарали фойдаланаётган ишбилармонларнинг иши равнақ топиб бораверади.

Шуҳрат АҲМЕДОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси

G'aroyib olam

Маълумки, табиатдаги ҳар бир жонзот ўзининг сирли дунёси билан инсон эътиборини ўзига мудом жалб этиб келади. Масалан, табиий шифобахш маҳсулот — асални хуш кўрмайдиган одам топилмаса керак. Аммо битта асалари бир килограмм асал йиғиши учун икки миллиондан ортиқ гулга қўниб ўтишини ҳамма ҳам билавермайди.

Биз билган ва билмаган дунё

Тинчлик қуши деб эъзозланадиган кабутарлар бир учишда минглаб километр масофани босиб ўтиб, ўзлари кўзлаган масканни бехато топиб бора олиши билан донг таратган. 2006 йилда ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, бунда кабутарлар ер сатҳининг эътиборбоп жойларидан мўлжал олиб, узлуксиз парвозини давом эттирар экан. Бошқа кўплаб узоққа учадиган қушлар эса, табиатан ўзларига ато этилган ферромагнитлардан ернинг магнит майдони бўйича мўлжал олишга кўниккан.

Табиатда танасига нисбатан энг катта мияли жонзот чумоли экани ҳақида эшитганмисиз? Ҳа, унинг мияси танасига нисбатан ҳисоблаганда энг юқори ҳажмни ташкил этади. Филнинг мияси эса, ўз танаси оғирлигининг 0,27 фоизи миқдорида тош босади. Ўз танасидан энг узоқда жойлашган мия эса, жирафага тегишлидир. Ҳа, дарвоқе, боши ўз танасидан 5 метргача баландда бўлганлиги боис қуруқликдаги жониворлар орасида энг катта юрак ва энг юқори қон босими жирафага ато этилган. Ҳайратланарлиси, унинг қон босими шу қадар юқорики, анчагина баланддаги миясигача қон оқими шитоб билан дарҳол етиб боради.

Биолог олимларнинг хулосаларига кўра, қадимда ер юзида яшайдиган жонли мавжудотларнинг аксарият қисми турли хил табиий офатлар боис қирилиб кетган. Фақат алоҳида яшовчанлик хусусиятига эга жонзотларгина жон сақлаб қолган. Масалан, узоқ чўзиладиган қаҳратон қишда айиқлар қор тушиши олдидан қоринларини яхшилаб тўйғазиб, танасига захира ёғ йиғиб олади. Сўнг эса, улар баҳоргача уйқуга кетади. Ана шу ёғ заҳираси уларни баъзан олти ойгача чўзиладиган қишда очарчиликдан сақлайди. Бу борада аслида илонларга тенг келадигани йўқ. Бу судралувчи жонзотлар ҳеч нарса емасдан ҳам узлуксиз уч йилгача ухлаши мумкин. Шу ўринда уйқу тўғрисида гап кетганда, дельфинлар ухлаганда бир кўзини очиб ётса, шерлар эса, икки кўзини ҳам очганча, бемалол пинакка кетишини қайд этиш жоиз. Аслида бу уларнинг душман ҳамласидан ҳимояланиш усули ҳисобланади.

Филлар эса, тўрт тиззали ягона жонзот ҳисобланади. Туя бир ва икки ўркачли эса-да, бу ўркачлар аслида захира ёғ қатламлари бўлиб, унинг умуртқаси текис жойлашган. Яна бир гап. Ҳар қандай баландликдан оёғи билан ерга тушишда мушукка тенг келадиган йўқ. Аммо унга, дейлик, 12 қаватли бинодан қулаш 7-қаватдан тушиб кетгандан кўра, тирик қолишга кўпроқ имконият берар экан.

Ташқи муҳитга мослашиб яшаш борасида муз қитъа - Антарктида балиқлари бағоят матонатлидир. Уларнинг қон ҳарорати цельсий бўйича минус 1,7 даражага етса ҳам қийналмай чидайди. Агар китларнинг юраги бир дақиқада атиги 9 мартагина уришга кифояланмаганда нафас олмасдан узоқ вақт сув остида тура олмаган ва тезда жон таслим қилган бўларди. Бундан ташқари вояга етган кит атиги икки лаҳзада 2400 литр сувни ҳавога пуркаб юборади. Чунки кит вақти-вақти билан, ҳар 10-15 дақиқада бир марта сув юзасига чиқиб, аввал чуқур нафас чиқаради, сўнгра бира тўла кўп миқдорда нафас олади ва яна сув қаърига шўнғиб, насибасини ахтаради. Яна қизиқ томони шундаки, кит боласи бир кунда 90 килогача семиради.

Айтиш керакки, денгизда акула нечоғлик кучли ва шафқатсиз жонзот бўлиб кўринмасин, у ов пайтида, аниқроғи, ўлжага ҳамла қилганда кўзини юмиб олар экан. Чунки ўлжа қаттиқ урилиб кетиб, кўзига шикаст етказиши мумкинлигини олдиндан ҳис этади.

Шунингдек, одамларнинг айрим ҳайвонлар ҳақидаги дастлабки таассуротлари ва ҳатто уларнинг номланишида ҳам қизиқ фактлар учрайди. Мисол учун Африкага бориб, жирафага илк бор кўзи тушган европаликлар уни "туяпард" деб аташган. Чунки бу жонзотни улар ўзларича туя билан леопарднинг чатишмаси маҳсули деб ҳисоблашган. Яна бир қизиқ маълумот. Йирик маймун тури бўлган "орангутанг" сўзи Африканинг айрим тилларида "чакалакзордан чиққан одам" деган маънони билдирар экан. Бундан ҳам қизиғи, европаликлар Австралияга келишганда, маҳаллий аҳоли вакилларидан сўрашади: "Сакраб-сакраб юрадиган бу ғалати ҳайвонни сизлар қандай ном билан атайсиз?" Шунда мезбон жавоб беради: "Кенгуру". Бу уларнинг тилида "Тушунмаймиз" дегани эди. Бироқ бу жонзот шу ном билан аталиб қолди.

Интернет материаллари асосида Сафар ОЛЛОЁР тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Шоюнус ҒАЗИЕВ, Қўчқор ТОҒАЕВ, Русланбек ДАВЛЕТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Икром МУСЛИМОВ, Ғайрат ҲИДОЯТОВ, Арислон УСМАНОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-425. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7375.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 22⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰